

95-584

X-18

Аматкул ХАЙЛАЕВ

ШАХМАТ САБОҚЛАРИ



қоидалар • стратегия • тактика •
комбинация • зарбалар • қопқонлар

15-581
X-18

Маматкул ХАЙЛАЕВ



ШАХМАТ САБОҚЛАРИ

1440

Тошкент – 2016

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIIY VA OʻRTA MAXSUS TAʼLIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI ICHROHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

УЎК: 794.1
КБК: 75.581
Х-18

Хайлаев, Маматкул
Шахмат сабоклари / М.Хайлаев. – Тошкент: Yurist-media
markazi, 2016. –112 б.

ISBN 978-9943-4337-8-6

УЎК: 794.1
КБК: 75.581

Бизга маълумки, мамлакатимизнинг ёш шахматчилари
жаҳон миқёсидаги мусобакаларда ўз маҳоратларини
намоиш этиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.
Ана шундай муваффақиятларимизнинг бардавом бўлишини
таъминлаш мақсадида шахмат ҳақидаги турли адабиётларга
эҳтиёж сезилмоқда.

Шахмат бўйича халқаро спорт устаси Маматкул Хайлаев
мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва тўғаракларда
шахмат ўрганувчиларга қулай бўлиши учун мазкур китобни
яратди. Ушбу сабоклардан шахмат мураббийлари, жисмоний
тарбия фани ўқитувчилари ва мустақил ўрганувчилар
фойдаланишлари мумкин.

Такризчи ва масъул муҳаррир:
Олимжон Ўсаров,
Ўзбекистон шахмат федерацияси
Ижроия Қўмитаси аъзоси

ISBN 978-9943-4337-8-6

© “Yurist-media markazi” нашриёти, 2016 йил

БИРИНЧИ БЎЛИМ


1-дарс

ШАХМАТ ТАХТАСИ

*64 минг олам мужассам унда,
Ҳар бир хонасида сиру-синоат.
Нилли фикр, гоялар улғаяр бунда,
Қайнар қураш, ғайрат, шижоат.*


Шахмат эски қадимий ўйинлардан биридир. У гўёки,
неки дашқарнинг жанг санъатини эслатади. Лекин бу
ўйинлар қурашига асосланган ўзига хос санъатдир.

Шахмат тахтаси 64 та тенг катакларга бўлинган.
Тахтанинг бўйи ва эни бўйлаб 8 тадан каторлар
қўйилган. 64 катакнинг 32 таси оқ, 32 таси қора
рангларга ажратилган ва улар кетма-кет, яъни ҳар
бир каторда оқ ва қора катаклар навбат билан
қўйлаштирилган. Катакларни хоналар деб аташ ҳам
мумкин (1-шакл).




1-шакл

Тахтанинг юқорига (бўйига) томон кетма-кет жойлашган хоналари йиғиндиси йўлак(лар) дейилади. Шахмат тахтасидаги йўлак(лар) сони 8 та (2-шакл).




2-шакл

Тахтанинг ён томонига (энига) қараб кетма-кет жойлашган хоналар йиғиндиси қатор(лар) дейилади. Шахмат тахтасидаги қаторлар сони ҳам 8 тадан иборат (3-шакл).




3-шакл

Тахтанинг бир хил рангдаги катакларини (хоналарини) туташтирувчи йўл(лар) қия йўлак(лар) дейилади (4-шакл).



4-шакл

Шахмат тахтасини шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин: 48 та қанот (фарзин қаноти), марказ, ўнг қанот (шах қаноти) (5-шакл).



5-шакл

❓ Савол ва топшириқлар

1. Дафтарингизга шахмат тахтасини чизинг.
2. Чизилган тахтада 2 тадан йўлак, қатор, қия йўлак ва катакларни рангли чизиқларда белгиланг.
3. Шахмат тахтасида нечта оқ, нечта қора хона